O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
5 NOYABR
SESHANBA
№ 136 (26.995)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари, Азиз Дўстим!

Ўзбекистонга расмий ташриф давомида бизга уюштирилган қабул учун Сизга шахсан ўз номимдан, рафиқам ва делегация аъзолари номидан чин қалбдан миннатдорлик билдираман. Польша — Ўзбекистоннинг келгуси ҳамкорлигига бағишланган мароқли ва муҳим музокаралар менда катта таассурот қолдирди. Аминманки, улар Польша — Ўзбекистон муносабатлари ривожида янги муваффақиятли босқични очди.

Ўзбекистон Ўрта Осиё хавфсизлиги ҳамда шу минтақанинг келгуси демократик тараққиёти йўлида муҳим роль ўйнайди. Шу боис у барча соҳаларда, айниқса, умумий тинчлик ўрнатиш учун долзарб бўлмиш терроризмга қарши курашда аҳамиятли ва зарур шерикдир.

Жаҳон тарихи цивилизациясининг эътиборли бўлагини ташкил этувчи Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига амалга оширилган зиёрат менда унутилмас таассуротлар қолдирди.

Ўрта асрларда ҳам Польша Ўрта Осиё билан яқин алоқада бўлган. Кейинроқ эса, XIX-XX асрларда сургунда бўлган польшаликлар ушбу минтақа халқлари, уларнинг тарихи ва бой маданиятини ўрганишга муҳим ҳиссаларини қўшганлар. Польшанинг ушбу минтақадаги сиёсий ва иқтисодий фаоллиги умуман янги саҳифа очишни эмас, балки бизга маълум шериклар билан алоқаларни тиклашни англатади.

Менинг Девоним ва тегишли вазирликлар айни пайтда ташрифга оид битимларни амалга ошириш устида фаол иш олиб боришмоқда.

Яна бир карра мехмоннавозлик учун чин қалбдан миннатдорлик билдираман ва дипломатик каналлар орқали Сиз учун мақбул вақт белгиланишига ва Сизни яна Варшавада қутлашга умид боғлайман.

Юксак эҳтиром ва дўстликни изҳор этиб,

Александер КВАСЬНЕВСКИ
Польша Республикаси Президенти

Варшава, 30 октябрь 2002 йил

Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг аҳамияти шу қадар юксакки, у эртага миллат шаънини, ғурурини кўкка етказади, соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

«ОЗОД МАМЛАКАТНИНГ ОЗОД ФАРЗАНДИ, БИЛИБ ҚЎЙКИ СЕНИ ВАТАН КУТАДИ!»

фототанловига

Гап ўн яшар қизалоқ ҳақида кетаяпти. Сўзимизда мутлақо муболаға йўқ. Урганч шаҳридаги 27-махсус мактабнинг учинчи синф ўқувчиси Жавҳарий Мадраҳимова каратэ билан шуғуллана бошлаганига ҳали унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Бу орада у вилоят, республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда бир неча марта фахрли ўринларни қўлга киритди. Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Июль ойида ўсмирлар ўртасида Швецияда ўтказилган халқаро турнирда махсус кубок билан тақдирланди. У финалда кимсан — каратэ юрти бўлмиш японнинг тенгқурини мағлубиятга учратди.

Жажжи Жавҳарийнинг жаҳон кезиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилаётгани қувонарли ҳол. Айни пайтда унинг бу муваффақиятлари юртимизнинг мустақил бўлиб жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топаётганидан дарак бўлса, Юртбошимизнинг ёш авлодга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрлигининг самараси ҳамдир.

— «Қизимизга каратэ усулларини Осиё ва жаҳон чемпионлари Илҳом Каримов, Отабек Қосимов ва Икром Каримовлар қунт билан ўргатишди, — дейди унинг отаси Санъатбек Мадраҳимов. — Айниқса, республика Миллий каратэ федерацияси президенти Нурхон Нафасовдан кўп миннатдорман. Негаки, у Жавҳарийдаги қобилиятни англаб, шундай фахрли беллашувларга «оқ йўл» тилади».

Қунт ва бардош билан шуғулланса, бу қизимиз албатта, спортимиз юлдузларидан бирига айланади. Унинг исм-шарифини эслаб қолинг:

Жавҳарий МАДРАҲИМОВА!

■ Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат



ОҚ САРОЙ

Қанча жаҳонгирлар изсиз йўқолди,
Мозий барчасини бағрига олди.
Нияти оқ экан Соҳибқироннинг,
Ундан мангу ёдгор — Оқ сарой қолди.

Абдулла ОРИПОВ
1 ноябрь 2002 йил

АКС-САДО

БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ

УЛАР ЭРТАГА ЮРТНИ, ВАТАННИ УЛУҒЛАШАДИ, ШОН-ШУҲРАТГА БУРКАШАДИ, — ДЕЙИШМОҚДА МУТАХАССИСЛАР

Дунёнинг адолати болаликка эҳтиромдан бошланади. Она-заминга қадалган эзгулик ниҳоли забардаст дарахтга айланади. Жаҳон спорти юлдузлари билан тенглашадиган навқирон куч улғаяди. Спорт шоҳ супасида мағрур турадиган қоялар кашф этилади. Жаҳон ўзбек йигитининг, ўзбек қизининг қудратидан лол қолади. Бутун олам кўз ўнгида Ватан мадҳияси янграйди. Мамлакат байроғи ғолиб ҳилпирайди.

Ўзбек боласининг қишлоқ тор кўчасидан тепган тўпи, жаҳон майдонларида машҳурлар қўриқлаётган дарвозани забт этади. Андижонда улғайган ўзбек йигитининг мушти энг енгилмас боксчини ҳам довдиратиб қўяди. Елкаси ер искамаган сурхондарёлик полвон ҳайбатидан, билагидаги кучидан Осиё ва жаҳон ҳайратга тушади. Олимпиадалар, жаҳон чемпионатларидаги медаллар шодаси спорт юлдузлари Ўзбекистонда порлаётганидан далолат беради.

Тошкент вилояти Бекобод туманидаги Зафар қишлоғида истиқомат қилаётган Абдумавлоновлар оиласининг уч фарзанди Ватанимиз байроғини ҳилпиратиб дунё кезмоқда. Аъзам, Фаррух, Парвезлар каратэ бўйича Ўзбекистон, Осиё ва дунё чемпионатлари, қатор халқаро турнирларда ғолиб чиқишди. Бугун зафарлик ёш чемпионлар кўксини саксонга яқин медаль безаб турибди. Шундан элликка яқини олтин медаллардир. Бу каби истеъдодлар мамлакат бўйича яна қанчадан-қанча топилади. Юртбошимиз айтганларидек: «Биз эккан истиқлол ниҳоллари бугун мана шундай ажойиб ҳосил бера бошлади. Буларнинг толеи, бахту иқболи олдинда ҳали. Она-Ўзбекистонимиз каби буларнинг ҳам келажаги буюкдир». Мана шу пурмаъно сўзларнинг ижобати йўлида яна бир дадил қадам ташланди.

Келажак орзуларига мустаҳкам тамал тоши қўйилди. Спорт оламини яқин йиллар ичида ёритишга қодир бўлган гулхан ёна бошлади. У ҳар бир ўзбек боласининг кўксида ёнади. Қалбини қиздиради. Шуурини уйғотади.

Ўнлаб, юзлаб, минглаб Муҳаммадқодир, Руслан, Ирода, Нурхон, Артур, Рустам, Ўткирбек, Миржалол, Акобир, Иброҳим, Лина, Севаралар етишиб чиқади. Уларнинг жаҳон майдонларида мағрур юришларидан ота-оналар фахрланади, Ватан ғурурланади, ифтихор қилади.

Эртага мамлакатимиз турли бурчакларида улғайган ёвқур, паҳлавон фарзандларимиз, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси қўмагида катта спортга йўл оладилар. Мамлакатда эзгулик, тинчлик элчиси бўлган спорт янада кенг қулоч ёзади.

Соғлом, баркамол авлод орзусида яшаётган юртнинг эртаси ёруғ, толеи бутундир.

(Давоми 2-бетда)

ЎТГАН ҲАФТА:
ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

ҚУТЛУҒ БАЙРАМ, ФАЙЗЛИ ТАШРИФЛАР

Қашқадарёда ўтган ҳафтанинг 28 октябридан қувончли кунлар бошланди. Аниқроғи, воҳада байрам байрамга уланди. Мамлакатимизнинг «оқ олтин» хирмонига 420 минг тонна хомашё тўкиб, давлатга пахта сотиш йиллик шартномавий режаларини шараф билан бажарган вилоят меҳнат аҳли 1 ноябрь куни қадимий Кеш — Шаҳрисабзнинг 2700 йиллик тўйи тантаналари мезбони бўлишди.

Даставвал, шуни таъкидлаш жоиз: шаҳарнинг халқаро нуфузли ташкилот — ЮНЕСКО томонидан жаҳон мероси рўйхатига киритилган: Оқсарой, Дорут-тиловат Дорус-саодат мажмуалари, Чорсу савдо гумбази, Кўкгумбаз, Чубин мадрасаси каби асрий ноёб обидалари ўша куни ўзининг бутун кўркикамоли ва бор қадди-бастини дунёга яна бир карра намоён этди. Президентимиз таъбири билан айтганда, **«Аллоҳ назари тушган Ватанимиз тарихининг кўҳна ва теран илдизларидан бири бўлган қадимий ва навқирон Шаҳрисабз...»**да ўша кунлари Яратганнинг марҳамати билан кундузлари атроф-муҳит ям-яшил, кечалари осмон юлдузларга тўла, чароғон бўлди. Ҳисор тизмалари, Кўнғиртов ён бағирлари, Мироқи чўққиларига ажиб тиниқлик югурди... Гўё шаҳар бағрига — унинг Гава Сўғда, Наутака, Кеш деб аталган кезларида яшаган аждодларимизнинг руҳлари бу гал жамулжам тўпланишди... Абу Муҳаммад Кеший, Шамсиддин Кулол, Ҳазрати Башир каби азиз-авлиёларнинг арвоҳлари шу куни шод бўлди. Фироқий, Хиромий, Равнақий, Фақирий, Хусров Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби шоиру алломалар хотирасига ҳурмат бажо келтирилди. Улуғ Жаҳонгир Оқсаройдан чиқиб келиб байрам тантаналарини бугунги ҳаётдан, бугунги авлоддан мамнун ҳолда кузатиб тургандек бўлди. ... Қулоқларимиз остида ул муҳтарам зотнинг **«Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз?»** — деган ифтихор тўла ҳайқириғи жаранглайди... Кетидан яна баралла эшитилгандек туюлади: **«Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг».**

Ҳа, ўтган ҳафта бутун башар аҳлининг нигоҳи «Илму адаб Қуббаси» — Шаҳрисабзга қадалди. Унинг бу галги шукуҳи ва файзи таровати башар аҳлига халқимизнинг катта тарихий ва маданий меросидан яна бир бор шаҳодатлик берди.

(Давоми 2-бетда)

ПАХТА — 2002

УЧ ТУМАН ЗАФАР ҚУЧДИ

Фарғона. Вилоятнинг Тошлоқ, Учкўприк, Қува туманлари заршунослари давлатга пахта сотиш йиллик марраларини эгалладилар. Ҳар учала туманда ҳам ҳосилдорлик гектар бошига 31-32 центнерни ташкил этди.

Тошлоқ туманидан «Навбаҳор», Учкўприк туманидан М.Деҳқонов номли, Қува туманидаги Ал-Фарғоний, М.Раҳматов номли илғор хўжаликларда бу кўрсаткич 40-45 центнерга етди.

■ **Алишер ИБОДИНОВ**

«КНИМЕКС»ГА ТАЛАБ КАТТА

Навоий «Электрокимё» заводи жамоаси қурт-қумурсқа ва бошқа ҳашарот турларига қарши таъсирчан дори турини яратишди. «Книмекс» деб аталган бу препарат ғўза ва ғалла экинлари зараркунандалари ҳамда мевали дарахтлар кушандаларига қирон келтиради. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси билан Навоийдан чиқаётган бу дорининг ҳозирданоқ бозори чаққон. Шу йил охиригача 15 тонна, келаси йилдан эса йилига ўртача 30 тонна ишлаб чиқариш мўлжалланаётган «Книмекс»га нафақат республикамиз вилоятларидан, балки чет эллардан ҳам буюртма тушаяпти.

■ **Музаффар ШАРОПОВ**

ЁШ ЎЗБЕК РАССОМЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Афинада Греция маданият вазирлиги ташкил этган «2004 йил Олимпиада ўйинлари бутунжаҳон болалари тинчлиги ва дўстлиги учун» мавзуидаги X халқаро болалар расмлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон санъат Академияси томонидан танловга юборилган Бахт Кшенов, Малика Кенжабоева ва Сивил Алиев каби ёш ўзбек мўйқалам усталари расмлари бош совринга муносиб топилди ва олтин медаль билан тақдирланди.

■ **«Жаҳон» АА**

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

РАСМИЙ ВИЗИТ ҚОЛДИРИЛДИ

Шу йил 13-14 ноябрь кунларига белгиланган Россия Президенти Владимир Путиннинг Нидерландияга расмий ташрифи қолдирилди. Голландия ҳукумати тарқатган манбаларда ёзилишича, ташриф Россиянинг илтимосига кўра қолдирилган.

МУНОСАБАТ ЯХШИЛАНАДИ

Канада Куба билан ўзаро муносабатини меъёрлаштириш борасида саъй-ҳаракатлар бошлашини маълум қилди. Ва 2 ноябрь куни Канаданинг Лотин Америкаси мамлакатлари ишлари бўйича вазири Кубага ташриф буюрди. У 6 ноябргача Кубада бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, Канада билан Куба ўртасидаги муносабатлар уч йилдан бери амалда «музлатиб» қўйилган эди. Сабаб: бир неча кубалик Канада бош вазири Кретьеннинг нечоғлик саъй-ҳаракат кўрсатишига қарамай узоқ муддатли қамоқ жазосига маҳкум этилган эди.

Бундан ташқари Канада АҚШдан фарқли ўлароқ Кубага нисбатан савдо эмбаргосини қўлламади. Аксинча, Куба иқтисодиётида муҳим роль ўйнаётган Канада компанияларини қўллаб-қувватлаб турди.

ЧЕГАРАНИ ҚЎРИҚЛАШ КУЧАЙТИРИЛДИ

Россиянинг федерал чегара хизмати Россия-Грузия чегараларида назоратни янада кучайтирди. Федерал чегара хизмати директори Константин Тоцкийнинг маълум қилишича, чегара участкаларида қўшимча 7 та чегара заставаси ва учта вақтинчалик чегара постлари ташкил этилган. Аммо Тоцкийнинг таъкидлашича, қиш мавсумида мазкур чегара участкаларида назоратни кучайтириш учун қўшимча постларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас. Негаки, айрим чегара участкаларида қор қалинлиги 1,5-2 метргача етади. Шунинг учун кейинги йил баҳор ва ёз мавсумида чегаралар назоратини янада кучайтириш бўйича режалар ишлаб чиқилади.

ИНТЕРПОЛ ҚИДИРУВ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

Қозоғистоннинг собиқ бош вазири Акежан Кажегельдин Интерпол томонидан қидирилмоқда. У 1994 йилдан 1997 йилгача мамлакат бош вазири бўлган. У ўша пайтда давлатга 11,3 миллион долларлик зарар етказганликда айбланмоқда. Бу ҳақда Қозоғистон бош прокурори Оналсин Жумабеков хабар тарқатди.

Кажегельднинг хизмат мансабини суиистеъмол қилганлигини, порахўрлик билан шуғулланганлигини ҳамда ўқ отар қурол сақлаганлигини Қозоғистон прокуратураси факт ва ҳужжатларга асосланиб, исботлаб берди.

Бу иш юзасидан суд 2001 йил сентябрь ойида судланувчи иштирокисиз бўлиб ўтган. Ўшанда, Кажегельдин Қозоғистондан чиқиб кетган эди ва бир неча марта судга чақирилишига қарамай, ўз айби юзасидан кўрсатмалар бериш учун судга келмаган. Шундай бўлса-да, собиқ бош вазирдан давлатга етказган зарарини ундириб олиш шарти билан мол-мулки мусодара қилиниб, 10 йилга озодликдан маҳрум этилган, дейилади ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги хабарида.

ҲАРБИЙ АСИРЛАР ЙЎҚ ЭКАН

Ироқ ўз ҳудудида Қувайт ҳарбий асирлари йўқлиги тўғрисида баёнот берди.

20 октябрь куни Ироқда умумий амнистия эълон қилиниши муносабати билан Қувайт ўз ҳарбий асирларини қайтариб олиш ҳақида Ироққа мурожаат этган эди. Бироқ Ироқ ҳукумати Бағдодда жойлашган Араб давлатлари лигасига баёнот жўнатиб, мамлакатда Қувайт ҳарбий асирлари йўқлигини маълум қилди. Шунингдек, расмий Бағдод Лига делегациясини Ироққа таклиф этиб, барча қамоқхоналарни кўздан кечириб чиқишлари мумкинлигини айтди.

Қувайт эса 1990-1991 йилларда дом-дараксиз йўқолган 604 нафар ҳарбий асирнинг тақдирини аниқлашга уринмоқда. Бу йўқолганларнинг 55 нафари бошқа мамлакат фуқаролари эди.

Ироқнинг тасдиқлашича, «Саҳродаги бўрон» ҳарбий операцияси давридаёқ ҳарбий маҳбусларнинг изи йўқолган.

«КЎЧАДА ЧЕКИЛМАСИН!»

Токио кўчаларида чекмаслик тўғрисидаги тақиқлов кучга кирди. Жума кунининг ўзидаёқ, яъни тақиқлов кучга кирган куни полиция 13 нафар қоидабузарни белгиланмаган жойда сигарет чеккани ва сигарет қолдиғини йўлакка ташлагани учун жаримага тортди. Жарима 160 доллар миқдорида белгиланди.

Чекишни тақиқлов тўғрисидаги қонун Япония кўчаларида озодаликни сақлаш, ёнғиннинг олдини олиш ва ёшлар орасида кашандаликни тугатиш мақсадида қабул қилинди. Бироқ мазкур қонун кўпчилик японларга ўнғайсизлик туғдирмоқда. Негаки, ҳар уч японнинг бири сигарет чекади, дея хабар беради BBC.

ЗАВОД ВАҚТИНЧА ТЎХТАТИЛАДИ

Горький автомобиль заводи 2 ноябрдан 10 ноябргача вақтинчалик тўхтатилди. Бу даврда режа бўйича конвейерда таъмирлаш ишлари ўтказилади. Завод ишчилари эса 8 кунлик таътил учун Россия Федерацияси Меҳнат Кодексида белгилаб қўйилганидек оддий маош билан таъминланадилар.

БИР ЙИЛДА 20 МИНГ

Нигерияда яширин аборт қилдириш натижасида юзага келаётган ўлим вақимали кўрсаткичга етди. Мамлакатдаги Акушерлар ва гинекологлар жамияти ҳамда Нигерия Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассисларининг охирги тадқиқот-кузатув ишлари шундан далолат бермоқдаки, яширин аборт оқибатида йилига 20 минг аёл дунёдан кўз юммоқда. Статистик маълумотларга кўра, бундай ўлимнинг 72 фоизи 19 ёшгача бўлган ўсмирлар «гарданига» тўғри келмоқда.

ЎТГАН ҲАФТА:
ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

ҚУТЛУҒ БАЙРАМ, ФАЙЗЛИ ТАШРИФЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Турфа байрамларни кўрган кўҳна Кеш тантаналари маросимида шахсан иштирок этган ва халқимизни бу қутлуғ тўй билан қизғин қутлаган давлатимиз раҳбари сўзлари замирида Шаҳрисабзнинг жаҳон тараққиётида тутган ўрни яққол ифодалаб берилди. Икки минг етти юз йиллик тарих силсиласини елкасида даст кўтарган афсонавий шаҳар қошида бош эгиб, унинг ва унинг тимсолида истиқлол байроғини ўн иккинчи йилки, маҳкам тутиб келаётган бутун Ўзбекистон халқи номидан **«Биз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!»** — деган сўзларни такрор қайд этиши қалбларга завқ, шавқ, куч-қудрат бағишлади.

Дарвоқе, не-не улуғ зотларни камолга етказган табаррук Кешнинг миллатимиз тарихида тутган ўрни беқиёсдир. Етти асрлик муқаддам мозийга юз буриб кўринг: бобокалонимиз Амир Темурнинг юртни босқинчилардан озод этиш йўлидаги мардона юришлари айни шу макондан бошланган эмасмиди! Халқимизнинг тенгсиз маданий ва маънавий меросларн ҳамда ноёб тарихий ёдгорликлари айни шу ерда асраб-авайлаб келинаётганини ким инкор эта олади!? Юраклари ўтли, билаклари куч-қудратли ёш авлодни буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари қилиб тарбиялашга салмоқли улуш қўшиб келаётган мўътабар Кентларимиздан бири ҳам шу — Шаҳрисабз-ку!? Унинг бу хизматлари Истиқлол йилларида қадр топгани ва шавкатли «Амир Темур» ордени билан мукофотлангани боиси ҳам шунда эмасми!

Қолаверса, «зумрад гавҳар» дея таъриф олган қадим Кешнинг 2700 йиллик юбилейи нафақат улуғ сиймоларнинг ота макони, балки, Ўзбекистон аталмиш суюкли юртимизнинг ўтмиши ҳам, келажаги ҳам буюклигидан ёрқин нишона!

ҲАМКОРЛИКНИНГ РАВОН ЙЎЛЛАРИ

Республикамиз Президенти Ислом Каримов 27 октябрь куни расмий ташриф билан Венгрия Республикасига жўнаб кетиши олдидан Тошкент аэропортида журналистлар саволларига жавоб ўрнида сафар мақсад-муддаосини шундай ифодалади: «Венгриянинг саноат, иқтисодиёт, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида эришаётган ютуқлари катта. Ташрифимиз чоғида унинг қишлоқ хўжалиги борасида эришаётган ютуқлари билан батафсилроқ танишиш ва шу соҳада ўзаро ҳамкорликни янада кенгроқ йўлга қўйиш ниятидамиз.»

Юртбошимизнинг бу нияти — Венгрия билан ўзаро алоқаларни янада ривожлантирсак, Европа ҳамжамияти билан ҳамкорлигимиз ҳам шунча кенгаяди ва Европа бозорига кириб боришимиз тобора осонлашади, деганидир.

Кенг кўламли ва кўп қиррали учрашувлар ҳамда мулоқотларда икки томонлама муносабатлар, халқаро, минтақавий муаммолар, иқтисодий ҳамкорлик, атроф-муҳит муҳофазаси, экологик ҳалокатлар олдини олиш сингари жараёнларда ҳамкорлик масалалари атрофлича муҳокама этилди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида автомобилларда халқаро юк ва йўловчи ташиш, сармояларни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат саноати соҳаларида барқарор тараққиётга эришишга қаратилган битимлар имзоланди. Чунки, сир эмас, қисман ўтиш даврининг шиддатли ўзгаришлари ва тармоқдаги ахборот танқислиги таъсири бўлса керак, ҳарқалай, сўнгги пайтларда Венгрия билан савдо-иқтисодий муносабатларимиз бирмунча сусайиб қолганди. Масалан, ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 14-15 миллион АҚШ доллари атрофида бўлди, холос.

Томонлар ўзаро савдо ҳажмидаги бундай камайиш сабабларидан бири — икки мамлакат ўртасида воситачиларнинг мавжудлиги бўлиб, бевосита алоқа ўрнатиш мумкин бўлган имкониятлардан ва кўпроқ қўшма корхоналар ташкил қилишдек қулайликлардан ҳозирча етарли фойдаланилмаётганлигида эканлигини таъкидладилар.

Эътиборли жиҳати шундаки, одатдагидек, барча хорижий давлатлар каби венгриялик ишбилармонлар ҳам мамлакатимизнинг бой табиий ва минерал хомашё заҳираларига, уларда Менделеев даврий жадвалидаги деярли барча кимёвий элементларнинг мавжудлигига, ипакчилик истиқболлари ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш технологияларига катта қизиқиш билан қарадилар.

Бунинг ҳам сабаби жўнгина: Венгрия 2004 йилдан бошлаб Европа Иттифоқига қўшилади. Мазкур Иттифоқда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарадиган илғор мамлакатлар анчагина. Венгрия улар билан бир Иттифоққа бирлашгандан сўнг кучли рақобатчиларга дуч келиши, табиий. Ана шундай бир вазиятда мадиярликлар Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳозирдан бошласагина, рақобатда ютиб чиқиши мумкин.

Шунингдек, музокараларда иқтисодий ҳамкорлик — Афғонистонни тиклаш ишларида ҳам ривожлантирилиши, ҳарбий-техникавий, илм-фан ва маданий алоқалар ўзаро тажрибалар алмашуви асосида юксалиши даркорлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Айниқса, сармояларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий базаси яратилиши, Ўзбекистонда бошланган хусусийлаштириш жараёнларида венгриялик ишбилармонлар фаол иштирок этиши, халқаро терроризмга қарши курашда доимо бирга бўлиши зарурлиги сингари ҳамкорликнинг яна кўпдан-кўп равон йўллари бирма-бир келишиб олинди.

Ташриф файзли, самарали бўлди. Мамлакатимизнинг мустақил ва одил сиёсати асосида хорижий ҳамкорлар учун яратилган барча шарт-шароитлар ҳамда қулай имкониятлар венгрияликлар томонидан шунчаки эътироф этилибгина қолмай, юксак баҳоланди ҳам.

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бахтиёр ДЎСТЖОНОВ, тиббиёт фанлари доктори, профессор. I-Тошкент давлат тиббиёт институти Урганч филиали директори:

— Инсон учун биринчи бахт фарзандини соғлиғи, унинг камоли. Ҳар бир ота-она ўз жигарбандини бақувват, сергак, саломат бўлишини орзу қилади. Бу йўлдаги биринчи талаб эса спорт ва жисмоний тарбия билан болаларни ёшлигидан шуғулланишига эътибор беришимиз керак. Ўшандагина фарзандингиз соғлиғидан ташвиш тортиб уни шифохоналарга олиб боришга эҳтиёж қолмайди. Мамлакат умиди, миллат таянчи бўлган соғлом авлод камолга етади. Оддий бир мисол: 2001 йилда шаҳримизнинг «Навбаҳор» маҳалласи болалари «Футболимиз келажаги» кубоги учун ўтказилган республика мусобақасида кумуш медални қўлга киритдилар. Мамлакатимизда иккинчи ўринни олиш бу жуда катта ютуқ. Мен ишонаманки «Оллоберган Дўстжонов» номли маҳалла футбол жамоаси эртага бундан-да катта зафарларни қўлга киритади.

Президентимизнинг мазкур Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори менинг назаримда, энг аввало, соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

Диёр ПЎЛАТОВ, муай-тай бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси, 5 карра Ўзбекистон, 3 карра Осиё ўйинлари чемпиони, жаҳон биринчилиги кумуш медали совриндори, Алишер Навоий номидаги СамДУ жисмоний маданият факультети II курс талабаси:

— Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги Фармон катта воқеа бўлди. Ўзимнинг ҳам бошимдан ўтган, болалигимда кўп мусобақаларга бормай қолганмиз. Пул йўқлигидан мураббийларимиз қийналишарди. Энди бу муаммолар ҳал бўлади деб ўйлайман.

Биз асосий эътиборни ўринбосарлар тайёрлашга қаратишимиз зарур. Ортимиздан келаётганларни тўғри йўналтириб тарбияласак, жаҳон спортига йўл кенг очилади. Болани суяги қотмасдан туриб, унинг қизиқиши, қобилиятини эътиборга олиб йўл кўрсатилса, бундай болалардан улкан ғалабаларни кутиш мумкин.

Анваржон РАЗЗОҚОВ, Каттақўрғон туманидаги болалар дам олиш уйи директори:

— Менинг оиламда бешта фарзанд вояга етаяпти. Улар ўғил бола бўлганлиги учун, спортга жуда қизиқади. Чунки ўғил бола, эртага юрт қўриқчиси, оила қалқони, авлод давомчисидир. Биз бугун қишлоқ жойларида болаларни спорт билан шуғулланишига шароит яратиб беришимиз керак. Бу эса жамғарма фаолиятида тўлиқ акс эттирилган. Мен Президент Фармонидан кейин қишлоқ жойларида болалар спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари бунёд этилишига ишонаман. Фидойи ҳамюртларимиз, ушбу жамғарма фаолиятига яқиндан кўмак берадилар деб умид қиламан.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси болалар спортини авж олдиришга кўмаклашади. Ўсиб келаётган ёш авлод онгида спортга меҳр уйғотади. Соғлом турмуш тарзига даъват этади. Қишлоқ жойларида жисмоний тарбия ва спортнинг моддий базаси шаклланади. Замонавий болалар спорт комплекслари бунёд этилади. Болалар спорти бўйича устозлар ва педагог кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Фахрли томони шундаки, мамлакат Президенти Жамғарма Ҳомийлик кенгашининг раисидир. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгес Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тегишли равишда минтақавий филиаллар кенгашларининг раислари ҳисобланадилар.

Ҳа, болаларга дунё бахш этилди. Вақти-соати келиб, бугуннинг болалари жаҳон узра зафарли қадам ташлайдилар.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**

АКС-САДО

МУТАХАССИС ФИКРИ

ИЖТИМОИЙ НАЗОРАТ НИМА?

Маълумки, қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилишини, уларнинг бажарилишини назорат қилиш демократик жамиятларда нафақат давлат, балки жамият эътиборини ҳам талаб қилади. Ўз навбатида, ижтимоий назоратни давлат органлари устидан кучайтириш орқалигина фуқаролик жамиятига эришишимиз мумкин.

Хўш, буни қандай йўллар билан амалга ошириш мумкин?

Биринчидан, мамлакатда ҳокимиятнинг демократик тизимини мустаҳкамлаш ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини инсонпарварлаштириш, «фуқаровий» маъно билан тўлдириш, уларга давлат ва жамият қурилишнинг яратувчилик, хусусан, аҳоли умумий ҳуқуқий даражасини ошириш вазифасини бериш муаммоларни долзарб қилиб қўяди. Бу суд, прокуратура, милиция фаолиятида ошкоралик, очиқликни кучайтиришни талаб қилади.

Мамлакатимизда айнан ана шу масалаларда ислоҳотлар жадал олиб борилмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини чуқур ўрганиш улар орасида ҳуқуқни муҳофаза қилишга йўналтирилган ташкилотлар деярли йўқ эканлигини кўрсатди. Балки ушбу ҳолат тарихан юзага келган бўлса ажаб эмас. Чунки, 80-90-йилларда ўзларини «ҳуқуқ ҳимоячиси» деб номлаган бир қатор ташкилотлар аҳоли кўз олидида ўз обрўларини бутунлай йўқотган эдилар. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотларини кўпайишини рағбатлантириш, фуқароларнинг конституцион ва қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга жалб қилиш зарур. Мазкур ташкилотлар эса фуқаровий назорат тизимининг бир қисми бўлади, деб ўйлаймиз.

Учинчидан, хавфсизликни таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари объектив сабабларга кўра олий раҳбариятнинг вазифасини бажаришга йўналтирилган эди. Эндиликда халқаро кескинликнинг юмшаши билан уларнинг кучи ва эътибори ҳудудларда аниқ вазифаларни бажаришга, ижроия органлари фаолиятини умумий координация қилишга, маҳаллий органларга бўйсунишга қаратилган бўлиши лозим. Биз умумжаҳон тажрибаси йўлидан боришимиз лозим. Масалан, милиция ҳам, ҳокимият ҳам вазирликка бўйсунган бир шароитда иккинчи устувор вазифага эътиборни қаратади, яъни, бу ерда гап муниципал милицияни шакллантириш тўғрисида бориши мумкин. Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон матбуотида Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари хавфсизлик хизмати айрим ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида маълумотлар эълон қилинган эди. Бу, Ўзбекистонда муҳокама қилиш учун ёпиқ мавзулар йўқ эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Бироқ, бу давлат, унинг хавфсизликни таъминловчи ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлари ўз сафларида нолойиқ ходимларнинг бўлишига йўл қўядилар деган маънони англатмайди, аксинча, барча кишилар билиши лозимки, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар ҳар қандай киши қонун олдида жавоб беради.

Тўртинчидан, «Кадрлар ҳамма нарсани ҳал қиладилар» — бу ҳаётий аксиома бўлиб, юқорида қайд қилинган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ходимлари ҳуқуқий ва фуқаровий маданиятини ўстириш вазифасини амалга ошириш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамиятига эга. Биз фуқаровий жамият сари борар эканмиз, охир-оқибат хавфсизликни таъминловчи ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар раҳбарлик лавозимларининг бир қисми фуқаровий шахсларга берилишига ва умуман, уларнинг аксарияти жамоат ташкилотлари таклифларига биноан тўлдирилиши, раҳбар ходимларнинг эса «фуқаровий профессионал аттестация»дан ўтиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Ҳа, бугунги кун зарурати шундай йўл танлашни тақозо қилаяпти.

Шу ўринда бир мисолни келтириш ўринли, деб ўйлайман. Собиқ шўро замонида ҳатто кўмир саноати, темир йўл вазири ҳам албатта ҳарбийлардан тайинланарди. Бутун мамлакатни ҳарбийлар бошқарарди. Бундан икки йил муқаддам Ўзбекистон мудофаа вазири этиб, ҳарбий бўлмаган киши тайинланди.

Бешинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари учун янги бўлган бундай вазифалар, айрим яқин ва узоқ хорижий давлатлар тажрибаларига кўра, ижтимоий палаталарни, яъни, ҳокимиятлар қошида доимий ишловчи нодавлат нотижорат ташкилотлар комиссияларини тузиш, уларга таклиф ва назорат характерига эга бўлган бир қатор ваколатларни беришни талаб қилади.

■ **Феруза МУҲИДДИНОВА, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди**

АРХЕОЛОГЛАР ҲАМКОРЛИГИ



Сурхон воҳасини нафақат юртимиз, балки бутун дунё кашф этмоқда. Воҳадаги кўз қорачиғидек асраб, авайлаб ва бойитиб келинган қадимий урф-одатлар минг йиллик анъаналар ҳамда ноёб обидалар тарихи эндиликда бутун жаҳон аҳли диққатини тортмоқда. Масалан, кўҳна Термиз обидаларини Ўзбекистон ва франциялик олимлар кўп йиллардан буён ҳамкорликда ўрганишмоқда. Айниқса, Қоратепа, Чингизтепа, Фаёзтепа ёдгорликларида олиб борилаётган изланишлар дунё археологиясига мозийдан беқиёс янгиликлар бермоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу ерда милоддан олдинги III-II асрда ҳам катта ҳарбий истеҳком бўлган. Кушонлар даврида эса у ибодатхонага айлантирилган.

— Обидалардан топилган қадимги тангалар, сопол буюмлар ва оқ оҳактошдан тайёрланган меъморий жиҳозлар Кушонлар тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади, — дейди франциялик қадимшунос Уал Жан Батист. — Франция илмий жамоатчилиги Марказий Осиёда кушон даври тарихи билан жуда-жуда қизиқади. Бу борада бизга ҳамкорлик қилаётган ўзбекистонлик ҳамкасбларимиздан ғоят мамнунмиз...

✧✧✧

Суратларда: икки мамлакат археологлари — (чапдан) Самариддин Мустафоқулов, Сара Гавинсон, Аласио Уиг, экспедиция бошлиғи Шокир Пидаев ва Уал Жан Батист Чингизтепа обидаси ёдгорликларини кўздан кечирмоқдалар; у ердан топилган сопол идишлар туркуми.



■ **Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар**

ФЕРМЕРЛИКНИНГ

Ҳаёт тажрибасидан маълум, бирор мақсад йўлида интилаётган одам истаса-истамаса муайян қаршиликларга дуч келади. Тадбиркорликни мақсад қилган кишилар ҳам бир қатор муаммоларга дуч келиши, табиий. Айтайлик, ишлаб чиқаришга хомашё топиш, тайёр маҳсулотга харидор қидириш, бозор муҳити рақобатини енга билиш, ҳамкор танлашда адашмаслик, ишчи-хизматчиларга ғамхўр бўлиш ва ҳоказо.

Бироқ, ҳозир тадбиркорлар гоҳида бутунлай ўзгача шаклдаги, аниқроғи, асоссиз буйруқлар, қонунсиз шартномалардан азият чекишмоқда.

Республикамиз Адлия вазирлиги ходимлари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида барча вилоятларда тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг бажарилишини мунтазам ўрганиб келмоқда ва аниқланган қонунбузилишлар юзасидан қатъий чоралар кўрмоқда. Масалан, яқинда Сирдарё вилоятида ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, фермер хўжаликлари дуч келаётган суғориш тўсиқлар асосан қуйидаги йўналишларда содир бўлмоқда:

Биринчидан, давлат эҳтиёжи учун ғалла етказиб бериш мажбуриятини белгилашда амалдаги қонун ҳужжатларига зид равишда фермерлар зиммасига етиштирилаётган ялпи ҳосил ҳажмининг аксарият қисмини давлатга топшириш мажбурияти юкланмоқда. Шунингдек, ғалла ва пахта ҳосилдорлиги фермерларга ширкат хўжаликларига нисбатан юқори даражада белгиланмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 19.01.2002 йилдаги 27-сонли қарорига кўра, 2002 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжи учун ғалла сотиб олишда, уларнинг ҳажми етиштириладиган ялпи ҳосилнинг 50 фоизи миқдорида белгиланиши, қолган 50 фоизидан хўжаликлар мустақил равишда фойдаланиши, жумладан уларни шартномавий нархларда сотиши лозим. Бироқ, вилоятнинг Мирзаобод, Ш.Рашидов, Гулистон ва бошқа туман ҳокимларининг қарорларида фермерлар зиммасига 2002 йил ҳосилидан давлатга ғалла сотиш режаси етиштириладиган ялпи ҳосилнинг 66 фоизгача қилиб белгиланганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, фермер ва ширкат хўжаликларининг ер шароитлари бир хил бўлса-да, Ш.Рашидов тумани ҳокимининг 2002 йил 21 апрелдаги 128-сонли қарорида пахта ҳосилдорлиги ширкат хўжаликлари учун бир гектар майдонга ўртача 20,8 центнердан, фермер хўжаликлари учун эса 22,8 центнердан қилиб белгиланган. Худди шунингдек, Гулистон туман ҳокимининг 2002 йил 28 сентябрдаги 314-сонли қарорида пахта ҳосилдорлиги — ширкат хўжаликлари учун бир гектар ерга ўртача 23,7 центнердан, фермер хўжаликлари учун эса 25,3 центнердан, ғалла ҳосилдорлиги — ширкат хўжаликлари учун ҳар гектарга ўртача 20,5 центнердан, фермер хўжаликлари учун эса 23,3 центнердан режалаштирилган.

Давлатга ғалла сотиш ҳажмлари ва фермер хўжаликлари зиммасига ортиқча ҳосилдорликнинг амалдаги қонунчиликка бундай зид равишда белгиланиши фермерни ўзи етиштирган ҳосилдан олиши лозим бўлган улушидан қисман маҳрум қилмоқда ва баъзи ҳолларда фермер хўжаликларини суғориш қарздорликка ҳам олиб келмоқда.

Иккинчидан, давлат эҳтиёжи учун ғалла ва пахта етиштириш режаларини белгилашда ҳокимликлар бешолти бор қарор чиқариб, экинларни экиш давридан то ўрим-йиғимигача шартномавий режаларни бир неча марта ўзгартирмоқдалар.

Ҳолбуки, давлат буюртмаси экин мавсумига қадар белгиланиб, мазкур буюртма асосида маҳсулот етказиб бериш юзасидан контрактация шартномалари тузилади. Шундан сўнг давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар — уруғлик, экиш техникалари, минерал ўғитлар, нефть маҳсулотлари ва сув лимити билан таъминланади. Қисқаси деҳқон қанча ҳосил етиштириш мажбуриятини олган бўлса, агротехник тадбирларни ҳам шундан келиб чиққан ҳолда амалга оширади.

Бироқ жойларда шартномавий режаларни экин экиб бўлингандан сўнг бир неча марта ошириш ёки камайтириш каби нотўғри амалиёт қўлланмоқда. Оқибатда, хўжаликларнинг ҳуқуқлари чекланиб қолмоқда. Бундан ташқари, бу амалиёт тузилган шартномаларга ўзгартиришлар киритиш бўйича турли хил оворагарчиликларни юзага келтирмоқда. Сирдарё туманида давлатга бошоқли дон сотиш режалари туман ҳокимининг 2001 йил 4 августдаги 737-сонли, 2001 йил 9 октябрдаги 845 ва 846-сонли, 2002 йил 19 февралдаги 383-сонли, 2002 йил 18 майдаги 574-сонли қарорлари билан 5 марта ўзгартирилган. Шартномавий режаларнинг қайта-қайта ўзгартирилиши туфайли қатор чалкашликларга йўл қўйилган. Чунончи, туман ҳокимининг 2001 йил 9 октябрдаги 845-сонли қарори билан «Эсон ота» фермер хўжалигига давлатга 13 тонна дон топшириш режаси белгиланиб, ушбу қарор асосида шартнома тузган фермер хўжалиги зиммасига давлатга 18 тонна, 2002 йил 18 майдаги 574-сонли қарори билан эса 14,5 тонна дон топшириш режаси юклатилган. Сўнгги қарор асосида (14,5 тонна дон топширишга) шартнома тузилмаган.

«Ҳожи бобо» фермер хўжалиги зиммасига ҳам 2001 йил 12 октябрда тузилган 286-сонли контрактация шартномасига кўра, давлат эҳтиёжи учун 73 тонна дон топшириш мажбурияти юкланган. Ҳокимнинг 2002 йил 18 май кунги 574-сонли қарори билан эса фермер хўжалигига 104 тонна дон топшириш режаси белгиланган. Лекин, бу ўзгартириш ҳам шартномага киритилмаган.

Булар шуни кўрсатадики, хўжаликлардаги мавжуд вазият ва экилган экин аҳволи инобатга олинмай, шартномавий режалар ўзгартирилиши — фермер хўжаликлари ҳуқуқларининг бузилишига олиб келмоқда.

Учинчидан, жойларда фермер хўжаликлари ёнилғи-мойлаш, минерал ўғитлар ва бошқа моддий ресурслар билан етарли таъминланмаган.

ДФХУнинг вилоят вакиллиги томонидан 2002 йил 1июль ҳолатига тақдим этилган маълумотга кўра, вилоятдаги фермер хўжаликларининг 2002 йилда пахта етиштириш бўйича дизель ёнилғисига бўлган талаби 26946 тонна, ғалла етиштириш бўйича 9132, бошқа экинлар бўйича эса 8272, жами — 44350 тонна бўлиб, ҳақиқатда эса 9900 тонна дизель ёнилғиси ажратилган. Яъни, бу — талабга нисбатан 34450 тонна кам. Қайд этиш лозим, дизель ёнилғиси фермер хўжаликларига фақат пахта ва ғалла етиштириш учун фонд асосида тарқатилмоқда. Такрорий ва бошқа экинлар ҳамда боғдорчилик учун эса ёнилғи фонди ажратилмаяпти. Ёнилғининг ҳам фонд асосида тарқатилиши эса шартномаларнинг бажарилмаслигига олиб келаяпти.

«КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД — РУҲИЯТ НАҚҚОШИ» ТАНЛОВИГА

ТАРИХ ҚАТИДАГИ ЖАВОҲИР

АТОҚЛИ НАВОИЙШУНОС ОЛИМ, ПРОФЕССОР АБДУҚОДИР ҲАЙИТМЕТОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Домла, маълумки, Темурийлар даврида, хусусан, Ҳусайн Бойқаро замонида бадиий адабиёт билан бир қаторда тасвирий санъат соҳасида ҳам катта ютуқларга эришилган. Ана шу даврдаги бадиий адабиёт билан тасвирий санъат ўртасидаги боғлиқлик ҳақида гапириб берсангиз.

— Чиндан ҳам Темурийлар даврида, айниқса, Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик қилган XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросонда, шу билан бирга унга туташ бўлган мамлакатларда адабиёт ривожланиши билан бир қаторда санъатнинг бошқа соҳалари ҳам жуда ривожланган. Тарихда мисли кўрилмаган даражада санъат асарлари яратилган. Булар нафақат Хуросон, Мовароуннаҳрда, балки бутун дунё миқёсида ҳозиргача жуда юқори баҳоланади. Чунки уларда мусаввирларнинг катта истеъдоди кўзга ташланади. Улар гўзалликни биладиган, қалбидан ҳис қиладиган ва ўзларининг чизган расмларида катта фалсафий, ижтимоий-сиёсий маъноларни, ўша даврдаги одамларнинг руҳиятини акс эттирган.



Аввламбор ана шу асарларни чизган инсонларнинг, шоирлар, рассомлар, созанда-ю муғаннийларнинг ва бошқа тоифа кишиларнинг ўзаро ҳурмати, ижод кишисини чуқур тушунишга интилганлиги ва ҳамкор, ҳамроҳ бўлиб, фикрий яқинлик ила бир-бирини ўз соҳасига жалб қилиб, янги асарлар яратиш борасида ўзига хос мактаблар вужудга келтирганлиги бизга маълум. Албатта, Алишер Навоий ҳақида гап борганда унинг маданиятимиз тарихидаги ўрни жуда катта. Лекин шу билан бирга у киши фақат адабиёт, санъат соҳасига эмас, балки ўша давр маданиятининг турли жабҳаларига ҳомийлик қилган. Масалан, Мирок Наққошнинг бир жияни бўлган. Унинг тарбиясида Алишер Навоийнинг ўрни катта. **Бу — Камолиддин Беҳзод эди.** Навоий Беҳзодни ўзининг фарзандидек кўриб, унинг тарбияси билан ўзи шуғулланган. Фикри шаклланган, Навоий ўзининг кутубхонасига бошлиқ этиб тайинлаган. Демак, бир неча йил Беҳзод Навоийнинг бевосита раҳбарлигида, ҳомийлигида камолга етган. Кутубхонада мудирлик қилиш деган гап, бу ўша даврдаги ҳаттотларга, рассомларга, санъаткорларга раҳбарлик қилиш дегани эди.

Беҳзод руҳий яқинлик натижасида Навоий асарларига расмлар чиза бошлаган. Тез орада Беҳзодга подшоҳнинг ҳам меҳри тушади. Мусаввир Навоийнинг энг машҳур достони «Фарҳод ва Ширин»га, кейинчалик бошқа асарларига ҳам суратлар ишлайди. Ҳусайн Бойқаро Беҳзодни ўзининг кутубхонасига раҳбар қилиб тайинлайди. Ўша даврда адабиёт ва санъат ривожланишнинг энг юқори чўққисига кўтарилади. Тасвирий санъат соҳасида ўнлаб иқтидорли рассомлар етишиб чиқади. Бу ҳақда «Бобурнома»да маълумотлар берилган. Буюк мусаввир эса ўз мактабига асос солади.

Беҳзод яратган асарларининг баъзиларига ўз номини қўйган, баъзиларига эса қўймаган. Лекин биз ўша XV асрда чизилган расмларнинг барчасини Беҳзоднинг иштирокисиз тасаввур қилишимиз қийин.

— Шундай асарлардан биронтасини шарҳлаб бера оласизми?

— Албатта. Умуман олганда ҳар бир асар, у қандай жанр ё соҳада бўлмасин, муаллиф тафаккур тарзининг маҳсули.

Ижодкорлар ўз дунёқарашини, ғоясини, атроф-муҳитга муносабатини ифодалаши табиий ҳол. Бундан Камолиддин Беҳзод ҳам мустасно эмас. Масалан унинг «Пайғамбар ўз саҳобалари билан» деган асарини олайлик. Бу расм Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» достонига ишланган. Унда пайғамбар ҳақида бешта наът бор. Унда у кишининг ҳаёти, қилган ишлари мадҳ этилган. Ушбу расмда пайғамбаримизнинг ўз саҳобалари билан суҳбат олиб бораётганликлари чизилган. Бу манзара жуда катта, чиройли масжид олдида тасвирланган. Лекин пайғамбаримиз даврларида бундай масжидлар бўлмаган. Улар кейин қурилган. Бундай масжидлар эса Ўрта Осиё маданиятининг ёрқин кўринишидир. Ушбу манзара, айтиш мумкинки, рассомнинг идеали. Яъни у пайғамбаримизни шундай манзарада кўринишини орзу қилган, шундай кўришни истаган. Бу билан санъаткор пайғамбаримиз, умуман, ислом дини бизнинг юрагимизга, қалбимизга қанчалик яқинлигини кўрсатган. Пайғамбарни, пайғамбар орқали Аллоҳни руҳиятимизга, қалбимизга яқинлаштирган.

XV асрда яратилган миниатюралардаги жуда катта маъноларидан бири шундаки, уларда бир-икки одамнинг ўзигина тасвирланган эмас. Балки кўпчилик, уларнинг барчаси тарихий аҳамиятга эга бўлган.

— Бундай асарларнинг яна бир қиймати шундаки, улар ўрта асрлар тарихини ўзида яхлит мужассам этган. Бугун биз Беҳзод ва унинг издошлари асарлари орқали ўз тасаввуримизни бойитамиз. Шундай эмасми?

— Худди шундай. Бунга яна бир ёрқинроқ мисол келтираман. Бундай асарлар қаторига Темурийлар даврига оид миниатюра — «Саройдаги мусиқали базм қурилиш кўриниши»ни мисол қилиш мумкин. Бу «Ҳусайн Бойқаро базми» деб ҳам аталади. Мана шу расмни кўздан кечирадиган бўлсак, ундаги тасвирланган шахслар, предметларда катта маънолар кўрамиз. Бу ерда подшо ўз аёнлари, оила аъзолари билан баҳор кунларининг бирида шаҳардан ташқарига чиқиб дам олаяпти. У кишининг атрофида учта фарзанди, тўртинчиси уларнинг Муҳаммад Бурундуқ деган тарбиячиси. Ундан ташқари ошпазлар, меҳмон кутадиган одамлар, базм безаги, созандалар ўзларининг мусиқа асбоблари билан туришибди. Бундан ташқари подшонинг отига, қушига қарайдиганлар, ов кучуклари ҳам тасвирланган. Ҳатто бу базмда милтиққа ўхшаган бир асбоб тасвири ҳам бор. Ўша вақтда милтиқ туфак дейилган. Бу билан рассом ўша даврнинг жанговар қуроли қандай бўлганлигини тасвирлаган. Ундан кейин чет элдан келган меҳмонлар. Яна бири европалик бўлса керак, шляпа кийиб олган. Буларнинг ҳаммаси чуқур тарихий маъноларни англатади.

Беҳзод яратган миниатюралар Навоий асарларини чуқур тушунишга, англашга, таҳлил қилишга ёрдам беради. Суратлар ёрдамида Навоий сатрларини, мазмун-моҳиятини англаш осонлашади. Яқинда олимларимиздан бири Ҳусайн Бойқаронинг шоир ўғли Шоҳ Ғариб Мирзонинг ижодини қунт билан ўрганди. Афғонистонлик таниқли олима Шафиқа Ёрқин унинг девонини нашрдан чиқарди. Шоҳ Ғариб Мирзо Навоий айтганидек, жуда истеъдодли шоир бўлган. Мана шу китобга тақриз ёзиб бердим. Газетада Шоҳ Ғариб Мирзонинг расмини ҳам бердик. Биз қайси давр адабиётини ўргансак, ўша давр мусаввирлари ижодига ҳам аҳамият беришимиз керак. Чунки улар бир-бирига чамбарчас боғлиқ.

Мен Афғонистонда, Навоий яшаган жойларда бўлганман. Ҳиротдан 20-30 километр ичкаридаги Гозургоҳ деган жойга ҳам Навоийнинг қадами етган. Гозургоҳда Абдулла Ансорий деган буюк бир пир, муставиф ва шоир дафн этилган. Уни «Пири Ҳирот» («Ҳиротнинг пири») дейишади. У кишини Навоий ҳам асарларида катта ҳурмат билан тилга олади.

Гозургоҳда бўлганимда Абдулла Ансорийнинг қабрларини жуда ҳаяжонланиб зиёрат қилдим. Чунки у ерни безаш учун наққошлар меҳр бериб ишлагани яққол кўриниб турибди.

Гозургоҳнинг қурилишига ўша даврнинг рассомлари, ҳайкалтарошлари ҳам ҳиссаларини қўшганлар. Навоий даврида ўша анъаналар давом эттирилган.

— Домла, Афғонистонга борганингизда Камолиддин Беҳзоднинг қабрларини зиёрат қилиб, ҳатто унинг суратини ҳам олиб келган экансиз. Шу ҳақда ҳам гапирсангиз.

— Мен у ердан кўп расмлар олиб келганман. Бу расмлар менинг катта бойлигим. Менга Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Воиз қабрларини зиёрат қилиш қанчалик кўнгилли бўлган бўлса, Камолиддин Беҳзод қабрини зиёрат қилиш ҳам шунчалик таъсирли бўлди. У киши Абдураҳмон Жомий қабрларидан сал нарироқда, Мурод тоғи этагидаги тепаликка қўйилган экан. Бир пайтлар бу ер жуда обод бўлган бўлса керак. Мен эрта баҳорда боргандим. Ҳали ҳеч нарса кўкармаган эди. Қабр тоши ҳам жуда чиройли ёзувлар билан безатилган. Бу қизил тошнинг хат ёзилмаган ҳеч бир бўш жойи йўқ. Муҳаммад Али деган йўлбошчимиз, катта мутахассис бизни олиб бориб, ўша хатларни ўқиб берганди. Ҳозир ҳам катта йўл ёқасидаги бу манзилни ўтган-кетганлар зиёрат қилиб турар экан. Биз ҳам бу муқаддас маконда Беҳзод ётганлигини яхши билишимиз керак. Чунки миллий тасвирий санъатимизнинг пойдеворига тамал тошини қўйганлардан бири Беҳзоддир. Бу тарих ҳақиқати. Ҳозирги вақтда халқимизнинг икки ўғлидан бири Алишер деб аталса, иккинчиси Беҳзод деб аталади. Демак, бу халқимиз улуғ аждодларимизнинг қадрига етганлигининг аломатларидан бири.

■ **Суҳбатдош:**
Нодира ҚУРБОНОВА

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

2002 йил 5,12,19 декабрь кунлари соат 11.00 да республика Биржалар маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига эркин муомаладаги валютага қуйидаги объект қўйилади:

1. Тошкент шаҳри, «Халқлар дўстлиги» кўчаси, 52-уйда жойлашган «Интегратор» ХЖ, «Герметик» ХЖ ва «Элекор» ХЖ таркибидаги мулкий мажмуа. **Бошланғич баҳоси — 1160000,0 АКШ доллари**

Шунингдек, ушбу аукцион савдоларига миллий валютага қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги, «Тошвилмелиосувқурилиш» трестига қарашли «5-сонли кўчма механизациялашган колоннаси МЧЖ» Низом жамғармасининг 90 фоизи.

Бошланғич баҳоси — 156703,86 минг сўм.

2. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги, «Тошвилмелиосувқурилиш» трестига қарашли «5-сонли кўчма механизациялашган коллонаси»нинг Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманида жойлашган участкаси — «5-КМК МЕЛИОРАТОР» МЧЖ Низом жамғармасининг 90 фоизи.

Бошланғич баҳоси — 26745,75 минг сўм.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
Имкониятингизни бой берманг!

Савдоларда қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.
Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17 www.uzrkmb.com

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки ютуқли депозит сертификатлари учинчи эмиссияси бўйича 2002 йил 1 ноябрда Бухоро шаҳрида ўтказилган ютуқли тиражи

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

№	Ютуқ миқдори	Серияси	Ютуқли сертификат рақами
1	5000 сўм	CC	121941
2	5000 сўм	CC	122188
3	50000 сўм	CC	133276
4	10000 сўм	CC	136356
5	5000 сўм	CC	136533
6	5000 сўм	CC	140118
7	5000 сўм	CC	149442
8	10000 сўм	CC	149749
9	10000 сўм	CC	154124
10	5000 сўм	CC	155939
11	5000 сўм	CC	155948
12	10000 сўм	CC	159119
13	10000 сўм	CC	160075
14	1000000 сўм	CC	161513
15	5000 сўм	CC	166285
16	5000 сўм	CC	168977
17	100000 сўм	CC	169333
18	5000 сўм	CC	171193
19	100000 сўм	CC	171338
20	500000 сўм	CC	174558
21	50000 сўм	CC	175911

Хайъат раиси УБАЙДОВ Шуҳрат Ибодович — Бухоро шаҳар ҳокими ўринбосари
Хайъат раиси ўринбосари АТОЕВ Зайниддин Самадович — Халқ банки Бухоро вилоят бошқармаси бошлиғи
Масъул котиб ИСЛОМОВ Тоҳир Турғунович — Республика Халқ банки филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази директори.

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

ТЎРТ МУАММОСИ

ЖОЙЛАРДАГИ АЙРИМ МАҲАЛЛИЙ РАҲБАРЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ САБАБЛИ ТАДБИРКОРЛАР ЙЎЛИДА СУНЪИЙ ҒОВЛАР ПАЙДО БЎЛАЯПТИ. НАТИЖАДА...

«Сирдарёнефтмаҳсулот» шўъба корхонаси Сирдарё нефть базасига (06.08.2002 йил 151/08-сонли) хат юбориб, деҳқон ва фермер хўжаликларининг фонди йўқлиги сабабли, базада пул маблағлари мавжудлигидан қатъи назар, уларга нефть маҳсулотлари беришни тўхтатишни талаб қилган. Ваҳоланки, бундай тартибда иш юритиш — Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунга тамоман хилофдир.

Ўрганиш давомида, ширкат ва фермер хўжаликларига дизель ёнилғиси ва бензин фондини ажратишда ҳам нотенгликка йўл қўйилганлиги фактлари аниқланди. Жумладан, Сайхунобод туманидаги жами 28320 гектар экин майдонининг 15832 гектари (56%) фермер хўжаликларига, 12488 гектари (44%) вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли хўжаликларга тегишли. Ушбу рақамни кўриб, дизель ёнилғиси ва бензин таъминоти ҳам ер майдонларига мувофиқ бўлса керак деб, ўйларсиз. Афсуски, вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли хўжаликларга 2002 йил учун 4655 тонна дизель ёнилғиси, 446 тонна бензин учун фонд ажратилган бўлиб, фермер хўжаликларига атиги 1482 тонна дизель ёнилғиси, 95 тонна бензин фонди берилган, холос. Ҳолбуки, фермер хўжаликларининг дизель ёнилғиси ва бензин бўйича таъминоти мавжуд ер майдонидан келиб чиққан ҳолда ширкат хўжаликларига нисбатан юқори бўлиши лозим эди. Бундан ташқари, меъёрлар бўйича фермер хўжаликларига 4235 тонна дизель ёнилғиси ва 791 тонна бензин ажратилиши талаб этилади.

Яна бир масала: мавжуд фондни тақсимлашда ДФХУнинг туман вакилликлари томонидан тенгсизликка йўл қўйилган. Сирдарё туманидаги «Одил» фермер хўжалигининг 10 гектар ери бор. ДФХУнинг туман вакиллиги томонидан бутун йил учун ажратилган дизель ёнилғиси фонди 2,2 тонна бўлиб, ҳар гектар ерга 220 литрдан тўғри келади. «Фаррух» фермер хўжалигининг эса 35 гектар ери бор. Жорий йил учун хўжаликка 3,6 тонна дизель ёнилғисига фонд ажратилган. Бу — ҳар гектар майдонга 102 литрдан тўғри келади. Худди шундай ҳолатни «Кубай», «Қобул бобо» ва бошқа фермер хўжаликларига нефть маҳсулотлари фонди тақсимланишида ҳам кузатиш мумкин.

Вилоятнинг янгидан ташкил топган фермер хўжаликлари олдида ёнилғи мойлаш материалларидан ташқари минерал ўғитлар таъминотида ҳам бир қатор муаммолар мавжудки, улар моддий ресурсларнинг меъёрий талаблар асосида ажратилмаслигига, ҳосилдорликнинг пасайишига ва ниҳоят, хўжалик ҳамда давлат манфаатларига зарар етказилишига олиб келмоқда.

Тўртинчидан, фермер хўжаликларига экинларни экиш ва уларни йиғиб-териб олишда қишлоқ хўжалиги техникаларини ажратиш ишлари қониқарсиз ташкил этилган.

Биргина мисол: Мирзаобод туманида ҳозирги кунда янги ташкил этилган муқобил МТПлар ихтиёрида 26 та, фермер хўжаликлари ихтиёрида 23, туман МТПда 30, жами 79 та экин қатор ораларига ишлов берадиган тракторлар мавжуд. Тумандаги фермер хўжаликлари томонидан жами 5400 гектар пахта, 4300 гектар маккажўхори ва бошқа қатор ораларига ишлов талаб қилувчи қишлоқ хўжалиги экинлари экилиши инобатга олинса, ҳар бир тракторга нормадаги (ўртача) 55-60 гектар ўрнига 122 гектар ер майдони тўғри келади. Бу ҳолат агротехник тадбирларнинг вақтида ўтказилмаслигига сабаб бўлмоқда.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: фермер хўжаликларига ёнилғи ва минерал ўғит кам ажратилаётган, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникалари етарли хизмат кўрсата олмаётган бўлса-ю улардан ширкат хўжаликларига нисбатан юқори ҳосил етиштиришни талаб қилиш адолатданми?

Яна бир масала: деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг вилоятдаги вакилликлари томонидан ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, кредитлар олишга ёрдам бериш, консалтинг, ахборот-маркетинг, юридик хизматлар кўрсатиш ўрнига, фермерларга зарар келтирувчи хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги аниқланди. Масалан, вилоятда фаолияти ўрганилган вакилликлар томонидан аъзолик шартномаларида аъзолик бадаллари нотўғри белгиланган. Яъни суғориладиган ерларга эга фермер хўжаликларидан аъзолик бадали ҳар бир гектар ер учун энг кам иш ҳақининг 60 фоизи, лалми ерлардан эса энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида белгиланган. Аслида эса, ДФХУ Низомига кўра фермер хўжаликларидан аъзолик бадали олинган йиллик даромаднинг 1 фоизи миқдорида бўлиши лозим. Устига-устак, фермер хўжаликларидан аъзолик бадалини ундириш юзасидан банкларга инкассо топшириқлари юборилган.

Қайд этилган бундай қонунсиз ҳолатларни фақат Сирдарё вилоятидагина эмас, балки бошқа вилоятларда ҳам учратиш мумкин. Мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида ҳал қилувчи мавқега эга бўлган тадбиркорларимиз олдига бундай сунъий тўсиқлар қўйилаётганини қандай изоҳлаш мумкин! Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига улар фаолиятига зиён етказаётган раҳбар шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига қандай баҳо бериш мумкин! Улар кўриб-билиб қонунни бузишяптими ёки билмай туриб! Ҳар икки ҳолатда ҳам қонун уларни кечирмайди. Тўғриси, уларни жазолаш билан йўқотилган имкониятларни тиклаб бўлмайди. Менимча, аввало ҳар икки томон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва қонун асосида иш юритишга ўрганмоғи керак.

■ **Райимқул ТОШБОЕВ,**
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармасининг бўлим бошлиғи.

МУБОРАК РАМАЗОН

ШАРОФАТЛИ ВА БАРОКОТЛИ ОЙ

Бисмиллоҳир роҳмонир роҳим.

Муҳтарам ва азиз юртдошлар. Сизларни яқинлашиб келаётган Рамазон ойи билан муборакбод этиб, табриклайман.

Рамазони шариф тоатибодат, қут-барака, бахт-саодат ойидир. Шунинг билан бирга, иншоаллоҳ, бу ойда гуноҳлар ювилажак, тавба-тазаррулар, чин ихлос ва эътиқод ила қилинган дуолар мустажоб бўлиб, қалблар таскин топажак.

Маълумки, рўза луғатда — «савм», яъни мутлақ ўзини тийиб, ушлаб туриш демакдир. Шариатда эса мукаллаф, шариат ҳукмларини бажариш лозим бўлган киши, Аллоҳ таоло учун ва унинг розилигини топишни умид қилиб саҳардан то қуёш ботгунча қасду ният билан еб-ичиш ва жимоъдан ўзини ушлаб туриши — рўзадир.

Бундай улуғ кунларга кимлар етди, кимлар етолмай армон ила ўтиб кетди. Аллоҳ таолога минг шукрким, диёримиз мусулмонлари бу кунларга тинч-осойишта етиб келдилар.

Рўза Аллоҳ таолонинг Каломи шарифи, Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.)нинг ҳадислари ва ижмоъ уммат билан собит бўлгандир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг «Бақара» сураси, 183-оятида шундай баён қилади:

«Эй мўминлар! Тақводор кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинди».

Моҳи Рамазонни бутун Ислом олами ўзгача ажиб бир руҳ, ўзгача шукуҳ ила кутиб олади.

Агар бир киши хасталигининг кучайиши ё тузалишининг кечикишидан қўрқса, сафарда бўлса, хомиладор ёки эмизикли гўдагига зиён етишидан ҳавф қилса, табаррук ёшга етган бўлиб, ҳолдан тойса ундай кишилар рўза тутмасликлари жоиз. Бу тоифадаги кишилар рўза тутишга монеъ бўлган сабаблар кетганидан сўнг, қолдирган кунларининг қазосини тутадилар. Табаррук ёшидаги отахон ва онахонларимиз рўза тута олмасалар ҳар кунги рўза учун бир мискиннинг бир кунлик таоми миқдорида фидя берадилар.

Саҳарликни таъхир қилиш (тонг отиши олдидан тўхтатиш) ифторликни тез (яъни, қуёш ботиши билан) қилиш мустаҳабдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.) муборак ҳадисларида: «Агар умматларим Рамазон ойининг улар учун қанчалик шарофатли ва барокотли эканлигини яхши билганларида эди, фақатгина шу бир ой эмас, балки йилнинг қолган ҳамма ойларида ҳам рўза бўлишини орзу қилган бўлар эдилар», — деб марҳамат қилганлар.

Ҳар бир рўзадор киши фақатгина оч-ташна қолиши билан Аллоҳ таолога тақво қилган бўлмайди, балки барча ишда рўзадор ўта ҳушёр, бошқалар билан муомалада мулойимлик, ўз нафсининг ҳоҳишига қул бўлишдан қутулиб, унинг руҳи вужудига ҳокимлик қилади. Рўзадор киши яшаш жойидаги кам таъминланган оилаларга, етим-есирларга, бева-бечораларга, беморларга ўзининг қалб қўри, меҳр тафти ила қараши даркор. Шунингдек, унинг рўзаси мукаммал бўлмоғи учун ёлғон сўзлаши, бировларни иғво ва бўхтон қилиши, нолойиқ сўзлар ила ўзгалар дилини оғритиши асло мумкин эмас. Бу борада Пайғамбаримиз муборак ҳадисларида: «Қайси бир рўзадор одам ёлғон гапириш ва унга амал қилиш каби гуноҳларини тарк этмаса, ундай кишининг фақат еб-ичишинигина тарк этиб юришига Аллоҳ муҳтож эмас», — деб марҳамат қилдилар.

Бу мағфират ойида меҳр-мурувват, саховат, олийҳимматликлар кўпроқ қилинади. Муборак ойда кундузлари соим, кечалари қоим бўлишлик барчамизга насиб этсин.

Бу ойда бирор сабабга кўра аразлашган, гина-кудуратли танишбилишлар ҳам бир-бирларига қучоқ очадилар, ўзаро узр сўрашадилар. Биламизки, кечиримли ва меҳр-шафқатли бўлиш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ўтказиладиган ифторликни оила иқтисодига зарар етказмайдиган ҳолатда, ҳар бир оиланинг ҳоли кудратидан келиб чиқиб, ниҳоят даражада иқтисод ва тежамкорлик билан ўтказишлик эса шариатимиз руҳига мос тушади. Албатта, буларни ўтказишда жойлардаги имом-хатиблар, маҳалла фаоллари ва оқсоқоллари ила бамаслаҳат қилингани маъқул.

Яратган Парвардигордан муборак ойда юртимизга тинчлик, осойишталик тилаб, мустақиллигимиз пойдеворини янада мустаҳкам қилсин, деб дуо қилиб қоламиз.

■ **Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС,**
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари

РЎЗА ТУТИШ (ОҒИЗ ЁПИШ) ДУОСИ

نويت ان اصوم صوم شهر رمضان من الفجر الى المغرب
خالصا لله تعالى الله اكبر

Навайту ан асума совма шаҳри ромазона минал фажри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъала.
Аллоҳу Акбар.
Яъни: Рамазон ойининг рўзасини субҳдан кун ботгунча тутмоқликни ният қилдим. Холис Аллоҳ учун.
Аллоҳу Акбар.

اللهم لك صمت و بك آمنت و عليك توكلت و على
رزقك افطرت فاغفر لى يا غفار ما قدمت و ما اخرت

ИФТОРЛИК (ОҒИЗ ОЧИШ) ДУОСИ

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва ъалайка таваккалту ва ъала ризқика афлорту, фағфирли йа Ғоффару ма қоддамту ва ма аххорту.
Яъни: Эй Аллоҳ, Ушбу рўзамни фақат Сенинг учун тутдим ва Сенга имон келтирдим Сенга таваккал қилдим ва берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй гуноҳларни афв қилувчи Зот, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгил.

ТАРОВИҲ ҒАСБИҲИ

Субҳана зил мулки вал малакут. Субҳана зил ъиззати вал ъазамати вал қудрати вал кибрийаи вал жабарут. Субҳанал маликил ҳайиллази ла йанаму вала йамут. Суббуҳун қуддусур роббуна ва роббул малаикати варруҳ. Ла илаҳа иллаллоҳу настағфируллоҳ, насъалукал жанната ва наъузу бика минан нар.

سبحان ذى الملك و الملكوت سبحان ذى العزة و العظمة و القدرة و
الكبرياء و الجبروت سبحان ملك الحى الذى لا ينام و لا يموت سبوح
قدوس ربونا و رب الملائكة و الروح لا اله الاّ الله نستغفر الله نسئلك
الجنة و نعوذ بك من النار

Рамазон	Ноябр декабр	Ҳафта кунлари	Саҳарлик тугаши	Ифтор вақти	Қайд учун
1	6	Чоршанба	5:18	17:14	
2	7	Пайшанба	5:19	17:13	
3	8	*Жума*	5:20	17:12	
4	9	Шанба	5:22	17:11	
5	10	Якшанба	5:24	17:10	
6	11	Душанба	5:26	17:09	
7	12	Сешанба	5:27	17:08	
8	13	Чоршанба	5:28	17:07	
9	14	Пайшанба	5:29	17:06	
10	15	*Жума*	5:30	17:05	
11	16	Шанба	5:31	17:04	
12	17	Якшанба	5:32	17:03	
13	18	Душанба	5:33	17:02	
14	19	Сешанба	5:34	17:01	
15	20	Чоршанба	5:35	17:01	
16	21	Пайшанба	5:36	17:01	
17	22	*Жума*	5:37	16:59	
18	23	Шанба	5:38	16:58	
19	24	Якшанба	5:39	16:58	
20	25	Душанба	5:41	16:57	
21	26	Сешанба	5:43	16:57	
22	27	Чоршанба	5:45	16:57	
23	28	Пайшанба	5:46	16:56	
24	29	*Жума*	5:47	16:56	
25	30	Шанба	5:48	16:56	
26	1	Якшанба	5:49	16:56	
27	2	Душанба	5:50	16:55	
28	3	Сешанба	5:51	16:55	
29	4	Чоршанба	5:52	16:55	
30	5	Пайшанба	5:53	16:55	

Тошкент вақти билан тафовут (дақиқа ҳисобида):
Анвар: Андижон -13, Жамбул -2, Наманган -9, Термиз -2, Фарғона -12, Хўжанд -4, Қўқон -8, Ўш -15, Бекобод -4.
Кейин: Бухора +16, Гулистон +1, Жиззах +4, Навоий +14, Нукус +42, Самарқанд -5, Тошҳовуз +40, Туркистон +12, Урганч -37, Хива -37, Чимкент +3, Қарши +8, Денов -

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

2002 йил 6,13,20,27 декабрь кунлари танлов савдосини ўтказади

Танловга Тошкент шаҳар, Миробод тумани халқ таълими бўлимига қарашли, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Фитрат кўчаси, 405-уйда жойлашган 164-сонли болалар боғчаси (мол-мулки билан) қўйилади.

Бинонинг бошланғич нархи — 9 020 700 сўм

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассасани ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биносини ва иншоотларни қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биносини ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Танлов савдосига аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар:
144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ma'murjon QIYOMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 971

11205 nusxada bosildi
uzb ovozi@sarkor.uz.
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР»НИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Яна тўрт турдан сўнг, олий лига жамоалари ўртасида мамлакат чемпионати баҳслари якунланади. Шанба ва якшанба кунлари 26-тур учрашувлари ўтказилди.

Чемпионат пешқадами «Пахтакор» «Бухоро» жамоасини қабул қилди. Ўйиннинг дастлабки бўлимида майдон эгалари Гочқули Гочқулиев, Анвар Солиевлар киритган икки тўп учрашув тақдирини ҳал қилди. Яқин таъқибчиси — «Нефтчи»га нисбатан уч ўйин кам ўтказган пойтахтликлар яна уч учрашувни ғалаба билан тугатишса бас, улар мамлакат ўн биринчи чемпионатининг олтин медалига сазовор бўлишади.

Сўнгги турда фарғоналиклар Зарафшонда «Қизилқум» жамоасига қарши майдонга чиқишди. Мазкур ўйин майдон эгаларининг йирик ҳисобдаги ғалабаси билан тугади — 4:1.

Чемпионатнинг бронза медалига даъвогарлик қилаётган «Насаф» футболчилари бу сафар «Навбаҳор» билан дуранг ўйнашди — 1:1. Учрашувнинг 87-дақиқасида ярим ҳимоячи Отабек Қиличевнинг киритган жавоб тўпи қаршиликларга ягона очкони ҳадя этди ва «Насаф»ни мағлубиятдан қутқариб қолди.

Қолган учрашувлар натижалари: «Машъал» — «Қўқон-1912» — 2:0, «Трактор» — «Зарафшон» — 3:3, «Самарқанд-Д» — «Сўғдиёна» —2:0, «Андижон» — «Дўстлик» — 1:1, «Металлург» — «Сурхон» — 1:0.

Навбатдаги тур ўйинлари 9 ноябрда ўтказилади.

26-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Пахтакор	**24**	**22**	**1**	**1**	**76-11**	**67**
Нефтчи	**27**	**19**	**3**	**5**	**68-29**	**60**
Қизилқум	**25**	**17**	**3**	**5**	**61-27**	**54**
Насаф	**26**	**17**	**3**	**6**	**55-29**	**54**
Металлург	26	12	6	8	36-32	42
Навбаҳор	26	12	4	10	45-34	40
Бухоро	26	12	3	11	34-46	39
Дўстлик	26	10	2	14	31-38	32
Самарқанд-Д	26	9	3	13	24-39	30
Андижон	26	8	5	13	34-51	29
Сурхон	27	8	3	16	32-48	27
Зарафшон	26	7	4	15	33-46	25
Сўғдиёна	26	7	4	15	25-47	25
Қўқон-1912	26	7	2	17	24-54	23
Машъал	25	6	5	14	28-50	23
Трактор	26	6	5	14	29-54	23

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

18,21,23 октябрь кунлари ўтказилган биржа савдоларида
9 та автотранспорт воситаси — 1 255 000 сўмга сотилди.
Жами савдо натижалари: 1 255 000 сўм
Ҳафтанинг ҳар душанба, сешанба, чоршанба кунлари биржа савдоларини ўтказади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши «Нуроний» жамғармасининг Самарқанд вилоят бўлими раиси, партия фаоли

Шакар ФАЙЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Газетанинг навбатдаги сони 9 ноябрь, шанба куни чиқади

UZBEKISTAN airways

ҲАВО АЛОҚАЛАРИ БОШ АГЕНТЛИГИ

Диққат!

ТАРИФЛАР КАМАЙТИРИЛДИ!!!

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси қуйидаги йўналишлар бўйича авиачипталарга тарифларни камайтирди:

МОСКВА

тариф АҚШ долларида

бир томонга
– иқтисодий класс ~~300~~ 250
– бизнес класс ~~460~~ 390
– биринчи класс ~~550~~ 470

бориш ва қайтиш ойлик тарифи (Москвада бўлиш муддати 1 ойдан ошмайди) ~~500~~ 425

бориш ва қайтиш 3 ойлик тарифи (Москвада бўлиш муддати 3 ойдан ошмайди) ~~550~~ 470

ЕКАТЕРИНГБУРГ

бир томонга
– иқтисодий класс ~~250~~ 200

бориш ва қайтиш ойлик тарифи (Екатерингбургда бўлиш муддати 1 ойдан ошмайди) ~~400~~ 320

КРАСНОЯРСК

бир томонга
– иқтисодий класс ~~240~~ 190

бориш ва қайтиш ойлик тарифи (Красноярскда бўлиш муддати бир ойдан ошмайди) ~~430~~ 330

бориш ва қайтиш 3 ойлик тарифи (Красноярскда бўлиш муддати 3 ойдан ошмайди) ~~450~~ 360

(тарифлар йиғимлар ҳисобга олинмаган ҳолда берилган)

Ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг жорий курси бўйича сўмда амалга оширилади.

Авиачипталарни сотиш ва бандлаш манзилгоҳи: Тошкент шаҳри, У.Носир кўчаси, 9-уй, Ҳаво алоқалари бош агентлиги, шунингдек, унинг барча филиаллари.

Маълумотлар бўйича телефон: 066.

Авиачипталарни уйга етказиб бериш: 152-27-90